



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Шерзод Джуракулов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИЛАГИ ЎРНИ

**Аннотация:** Мақолада Мусиқа санъатининг ривожланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Марказий Осиёнинг қулай географик шароити Шарқ ва Ғарб мусиқа санъатининг ҳам ривожланишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, ушбу трансконтинентал ҳаракатда Марказий Осиё нафақат воситачи сифатида, балки халқлар санъатининг ўзаро бойишида муҳим ўрин тутганлиги тарихий фактлар билан асослаб берилди.

**Калит сўзлар:** Буюк ипак йўли, Шарқ ва Ғарб мусиқа санъати, маданиятларнинг ўзаро қоришуви, Афросиёб деворий суратлари, най, арфа, рубоб.

Буюк ипак йўли устида жойлашган мамлакатлар халқлари тили, ёзуви, хўжалик ҳаёти, урф-одатлари, кийим-кечакларида умумийлик белгилари хозирга қадар ҳам давом этиб келмоқда. Мусиқа санъатининг ривожланишида ҳам Буюк ипак йўлининг аҳамияти бекиёсдир. Бизга маълумки, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Хитой ҳудудида яшовчи халқларнинг мусиқаси бир-бирига яқин, оҳанглари уйқаш, товушлар жамлашида бетакрор шарқона назокат мавжуд. Фикримизни тўлдириш мақсадида баъзи асосларни келтириб ўтамыз.

Археологик тадқиқотлар олиб борилган маконларда нафақат моддий маданият, балки маънавий маданият намуналари ҳам ўрганилади.

Ўрта Осиёнинг антик маданий-тарихий ҳудудлари Суғд, Бактрия, Парфия, Марғиёна, Хоразм эрамизнинг бошида ўзларининг мусиқа санъати билан ажралиб турган. Марказий Осиёнинг қулай географик шароити Шарқ ва Ғарб мусиқа санъатининг ҳам ривожланишига катта

ҳисса қўшди<sup>1</sup>. Бу трансконтентал ҳаракатда Марказий Осиё нафақат воситачи сифатида, балки халқлар санъатининг ўзаро бойишида муҳим ўрин тутди. Масалан, Мўминобод ёдгорлигини ўрганиш чоқида суякдан ясалган най (сибизға) топилиши мамлакатимиз ҳудудида бронза давридаёқ мусиқа санъатининг ривожланганлигини кўрсатади. Бу жараён, айниқса, эрамизнинг I асридан бошлаб кучайди. Бунга ўша даврдаги сиёсий вазият ҳам қулай шароит яратди. Марказий Осиё, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудлари бир неча аср давомида бир давлат таркибига бирлаштирилган эди. Хусусан, Кушон империяси эрамиздан аввалги I эрамизнинг IV асрларида, Эфталитлар давлати V аср ўрталаридан VI аср ўрталаригача, Турк хоқонлиги VI аср ўрталаридан VII асрларда улкан ҳудудга эга бўлиб, кўп халқлар бир давлат таркибига киритилган эди. Бу халқлар ўртасидаги этник ва маданий алоқалар ўзаро ривожланди.

Буюк Ипак йўли юз йиллар давомида доимий ҳаракатдаги кўприк вазифасини ўтади. Унда савдо карвонлари, элчилар ҳаракатда бўлган. Буюк Ипак йўлидаги ҳамма замонларнинг энг йирик шаҳарларидан бири қадимги Самарқанднинг Афросиёб деворий суратларида турли давлатлардан келган элчилик муносабатлари тасвирланган. Улар орасида Хитойдан келган меҳмонлар тасвири ҳам учрайди. Унинг Хитой маликаси қайиқда ўзининг аёнлари ва танбур кўтарган мусиқачилари билан тасвирланган. Бу давр кишилари у ёки бу мусиқа асбобларини чалишни ўрганиш учун бир мамлакат ҳудудидан иккинчи бир мамлакат ҳудудига тез-тез ўтиб туришган. Манбаларда қайд этилишича, милоддан аввалги I асрда Усун давлати ҳукмдорининг кизи Хитойга турли чалғу асбобларини ўрганиш ва унда ижро этишни ўзлаштиришни мақсад қилиб, ўз одамларини юборган экан<sup>2</sup>. Хитойнинг Сион шаҳрида икки бактрияликнинг туя устида мусиқа асбоблари билан тасвири туширилган ҳайкалчалар топилди. Уларнинг қўлларида рубоб, бурчакли арфа, флейта ва бошқа мусиқа асбоблари учрайди. Бу мусиқа асбоблари узоқ йиллар давомида турли халқларнинг маданий мероси сифатида қадрланиб келади.

Марказий Осиё халқлари мусиқа асбобларининг ўзига хос жиҳатлари жуда кўплаб мусиқа тадқиқотчиларининг эътиборини тортиб келади. Кейинги йилларда археологик тадқиқотлар давомида топилган мусиқа асбобларининг миқдори ошмоқда. Улар Олд Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларининг мусиқа санъатида қадимдан алоқа қилиб келинганлигини тасдиқламоқда. Ёзма манбалардан эса аксарият ҳолларда турли суратлар орқали маълумот олишимиз мумкин.

Буюк ипак йўли мамлакатларида кенг тарқалган мусиқа асбоби бўйин қисми калта бўлган рубоб эди. археологик манбалар қадимги Марказий Осиёнинг барча ҳудудлари – Суғд, Бактрия, Парфия, Марғиёна, Хоразмда бу асбобдан кенг фойдаланилганидан далолат беради. Афросиёбда рубоб ушлаб турган кишилар тасвирланган ҳайкалчалар ушбу ҳудудда мусиқа асбоблари ясовчи усталарнинг ҳам кўп бўлганлигидан далолат беради. Мазкур мусиқа асбобининг ўзига хос томонлари катта доирасимон корпусва калта бўйинли бўлганидир. Қолган қисмлари анъанавий рубобга ўхшаш. Афросиёб рубобларини чалувчилар аксарият халқларда эркаклар бўлган. Мазкур чолғу асбоби ўнг қўлда ушлашга мўлжалланган бўлиб, оҳанг бармоқлар билан чертиш зарби орқали чиқарилган.

Бактрияда I аср рубобларини икки кўринишга эга деб ҳисоблашимиз мумкин. Уларнинг биринчиси йирик юмалоқ резанатор – асбоби, иккинчиси чўзиқроқ резанаторли ва калта асосга эга мусиқа асбоби эди. Биринчи турдаги мусиқа асбоби (рубоб) Афросиёб катта рубоби ва Холчаёндаги мусиқачилар томонидан ижро этилаётган рубобларга ўхшаш. Худди

<sup>1</sup> Молькеева А.А. Значение Великошелкового пути в расширении музыкальных связей Средней Азии и дальнего Востока // На Средней Азиатских трассах Великого шелкового пути // Очерки истории и культуры. Т., 1990, 33-стр

<sup>2</sup> Крюнов М.В. Восточный Туркистан в III в до н.э. – VI в.н.э. // Восточный Туркистан в древности и раннем средневековье // Очерки истории // М., 1988, 283-стр.

Молькеева А.А. Кўрсатилган асар, 44-стр

шундай мусиқа асбоблари тасвири билан Бақтрияда жойлашган Кушонлар сулоласи саройи безатилган. Холчаёндан худди шу мусиқа асбобини чалаётган ижрочи эркакнинг тасвири туширилган ҳайкалчалар топилган.

Биринчи асрдан бошлаб Шарқий Туркистонда ҳам рубоб кенг тарқала бошлаган. Бу ердаги энг қадимги мусиқачи тасвири ҳайкалчалар Хўтандан топилган бўлиб милoddан аввалги II–I асрларга тегишли<sup>3</sup>. Хўтанда рубобнинг пайдо бўлиши Суғдийларнинг милoddан аввалги IV – III асрларда ушбу ҳудудларда пайдо бўлиши билан боғлиқ. Суғдийлар эрамиздан аввалги 328 йилда Искандар Зулқарнайиннинг қирғини туфайли ўз юртларини тарк этиб Шарқий Туркистонда ўз манзилгоҳларига асос солган эдилар. Шарқий Туркистон рубоблари арнологик жиҳатдан кичик рубобларга ўхшайди. Яъни, унча катта бўлмаган ноксимон корпус, қисқа бўйинли. Шарқий Туркистонда ушбу мусиқа асбобини чалиб турган ҳолдаги тасвирларда, аксарият ҳолларда, маймун-мусиқачи тасвирини учратишимиз мумкин. Маймун-мусиқачилар тасвири Марказий Осиёда ҳам, хусусан, Бақтрияда кўплаб учрайди. Г.А.Пугаченкованинг фикрига кўра, бу мусиқа асбоби Кушон Ҳиндистони ҳудудларидан аввал Марказий Осиёга, кейинчалик Хитойга кириб борган<sup>4</sup>. Чунки маймун-мусиқачи яхшилик, бахт ва омад тимсоли бўлган ҳинд пантеони персонажи ҳисобланади. Демак, Буюк ипак йўлидаги муҳим санъат анъанасидан бири мусиқа асбоби – рубоб асрлар давомида жуда кўплаб мамлакатларга тарқалган экан. Маймун-мусиқачи тимсолининг Шарқий Туркистон ҳудудидан кўплаб топилишига Ҳиндистон аҳолиси ва Суғдийларнинг мазкур минтақада кўплаб манзилгоҳларга эга бўлиши сабаб бўлди. Иккинчидан эса, будда динининг Марказий Осиё орқали Шарқий Ҳиндистонга кириб келиши ҳам бу жараёнга таъсир кўрсатган, деб ҳисоблаш мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Бақтриянинг Зартепа эрамиздан аввалги III–II аср, Бороттепа эрамизнинг I–II асрига оид бўлган ёдгорликларида ҳам калта рубоб кўплаб топилиши фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

Афросиёб, Далварзинтепа каби ёдгорликлардан топилган ҳайкалчалар (рубоб чалаётган киши тасвирланган) Хитойнинг Гансу, Ҳиндистоннинг Гандхар вилоятларидан ҳам топилган<sup>5</sup>.

Рубобдан Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Ҳиндистон ўлкалари аҳолиси узок йиллар мобайнида фойдаланиб келишмоқда. Хитой эса бу мусиқа асбобини Марказий Осиё, хусусан, Суғдийлардан ўзлаштириб олган. Бу мусиқа асбоби IV–VII асрларда Буюк ипак йўли устида жойлашган шаҳарлардан энг йирикларидан бўлган Лоян шаҳрини забт этди.

Буюк ипак йўли халқлари санъати тарихида нафақат рубоб, балки кўплаб чалинадиган, зарб орқали оҳанг чиқарувчи най, ноғора, дўмбира каби мусиқа асбобларини ҳам бир мамлакатдан иккинчи мамлакат ўзлаштирганининг гувоҳи бўламиз.

Хитой тарихчиси Суй (581-618) биринчилардан бўлиб Куча, Қашғар, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент мусиқа оҳанглари ўртасида ўзаро уйғунлик бор эканлигини айтиб ўтади. Бундан ташқари у мусиқа асбобларининг ўхшашлигини, деярли бир хил бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Масалан, рубоб – пипа, арфа – кунху, флейта – ди, ноғора шулар жумласидандир<sup>6</sup>. Э.Шефернинг фикрига кўра, VII асрда Хитой мусиқаси бошқа ҳудуд (Туркистон назарда тутилмоқда)нинг мусиқасига ўз ўрнини бўшатиб, Хитой санъатида Марказий Осиё мусиқа оҳанги устунлик қилган<sup>7</sup>. Хитойнинг Тан хонадони саройида “қадимги” Когану пьесаси қўйилиб, Л.Пинкеннинг таржимасига кўра бу “Шароб ичаётган Суғдийлар” деб номланган.

<sup>3</sup> Лубо-Лесниченко Е.И. Великий шелковый пут // Восточный Туркистан в древности и раннем средневековье. М. 1988. 378-стр.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуры Бакрии // Из истории античной культуры Узбекистана. Ташкент, 1973 г. 121-стр.

<sup>5</sup> Молькеева А.А. Кўрсатилган асар, 44-стр

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М., 1981, 79-стр.

Бурчакли арфа эса Сосонийлар даврида энг кенг тарқалган мусиқа асбобларидан ҳисобланган. Бу мусиқа асбоби Абулқосим Фирдавсий асарида “чанг” деб эслатиб ўтилади. Бизга маълумки, мазкур мусиқа асбоби Ўрта Осиё халқларининг, хусусан, ўзбекларнинг ҳам мусиқа санъатида энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Бу мусиқа асбоби арфанинг такомиллашуви асносида пайдо бўлган. У Хитойдан милодий I асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига Шарқий Туркистон орқали кириб келган. Арфанинг турли хиллари мавжуд бўлиб, “Самбук” деб номланувчи арфани чалаётган қиз сурати солинган ваза Шарқий Туркистон ҳудудларидан (эраמידан аввалги V аср) топилган<sup>8</sup>.

Мустақиллик йилларида Буюк ипак йўлидаги қадимий анъаналарни давом эттириш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор ташаббуслар ўртага ташланди. Шулардан бири жаҳон маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган «Шарқ тароналари» фестивалининг ташкил этилишидир. «Шарқ тароналари» фестивали беш қитъа санъат аҳлининг диққатини ўзига тортди. Ташкил этилган фестибаллар дунёда тинчлик ва эзгуликни барқарорлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни қўшиқ орқали, санъат орқали амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Юқоридаги фикрлардан Буюк ипак йўли нафақат савдо йўли, балки маданият ривожининг ўзаро алмашинуви йўли ҳамдир деган фикрга келишимиз мумкин. Бу муносабатларда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Тошкент шаҳарларининг ҳам ўз ўрни бор.

#### Адабиётлар:

1. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Тошкент – 1975.
2. Буряков Ю.Ф. Город на Великом шелковом пути // Самаркандский вестник 1995, 21 октябрь.
3. Жўраев А. Хитой манбалари Суғд ҳақида //Мозийдан садо // 2004, 24 апрел.
4. Лубо-Лесниченко Е.И. Великий шелковый пут // Восточный Туркистан в древности и раннем средневековье. М. 1988.
5. Крюнов М.В. Восточный Туркистан в III в до н.э. – VI в.н.э. // Восточный Туркистан в древности и раннем средневековье // Очерки истории // М., 1988.
6. Молькеев А.А. Значение Великого шелкового пути в расширении музыкальных связей Средней Азии и дальнего Востока // На Средней Азиатских трассах Великого шелкового пути // Очерки истории и культуры. Т., 1990.
7. Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуры Бакрии // Из истории античной культуры Узбекистана, Ташкент, 1973.
8. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М., 1981.

<sup>8</sup>Молькеева А.А. Кўрсатилган асар, 55-стр